



БЕЛАРУСЬ БИЛАН ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК АМАЛИЙ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Беларусга таширф давомида ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар ижросига доир тақдимот билан танишди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг 8-9 июль кунлари ушбу мамлакатга амалга оширилган расмий ташириги чоғида ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш ва тиббиёт соҳаларида умумий қиймати 2 миллиард долларлик 310 та лойиҳа ва чора-тадбирни рўйбга чиқариш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари уларни қисқа муддатда амалий натижага айлантириш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Беларусда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун тақлиф этилаётган саноат объектлари, давлат мулки ва кенг қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд. Мамлакат ҳудудининг 40 фоизини ёки 8 миллион гектарини қишлоқ хўжалиги майдонлари ташкил этади.

Бу имкониятлар қўшма ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, аграр кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик алоқаларини кенгайтириш ҳамда фуқароларни ташкилий асосда иш билан таъминлаш учун мустақам замин яратди.

Бунда Беларусда ишлаш ёки бизнес юртиш истагидаги фуқаролар ва тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб, Беларусь томони

билан олдиндан келишиб, иш жойи, яшаш шароити, лойиҳа учун зарур бино ва ер масалаларини ҳал этган ҳолда уларнинг боришини ташкил қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда Андижон ва Витебск вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Икки ҳудуд ўртасида “йўл харитаси” тасдиқланиб, аниқ ташаббусларни рўйбга чиқариш бошланган. Жумладан, 255 нафар Андижон вилояти фуқаросининг ташкилий асосда Витебска бориши ва бандлиги таъминланди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон – Беларусь ҳамкорлиги: АНДИЖОН ВА ВИТЕБСК ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь келишувларига мувофиқ, Андижон вилоятининг дастлабки 255 нафар фуқароси Беларусга етиб борди.

Беларусь Президенти Александр Лукашенко ва Андижон вилояти ҳокими Шухрат Абдурахмонов Витебск вилоятида бўлиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Ҳамкорлик режалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

8-9 июль кунлари Беларусга расмий ташириги чоғида икки мамлакат ўртасида эришилган келишувлар доирасида ривожлантирилмоқда. Улар турли соҳаларга сармоя киритиш ва Ўзбекистон фуқароларини Беларусга ишлашга жалб қилишни назарда тутди.

“Мен Ўзбекистон Президентига бунга амалга оширишга ваъда бердим. Бу биз учун манфаатли. Шу тариқа Витебск вилояти ривожланади”, — деди Президент Александр Лукашенко.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ АВЛОД РАҲБАРЛАРИНИ ТАНЛАШДА ОЧИҚЛИК ВА ХОЛИСЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорли бошқарувчилар, лидерлар ва янги авлод раҳбарларини аниқлаш ва танлаш ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда Ўзбекистон интеллектуал салоҳият ва юқори технологияларга асосланган янги ривожланиш босқичига ўтмоқда. Мамлакатимизга ҳар йили 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция кириб келмоқда, экспорт ҳажми 40 миллиард долларга яқинлашмоқда, замонавий корхоналар ишга туширилмоқда.

Бундай шароитда профессионал давлат хизмати ва рақобатбардош иқтисодиёт учун зарур кадрларни олдиндан тайёрлаш стратегик аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда давлат бошқарувида кадрларни танлаш ва баҳолаш тизими изчил рақамлаштирилди. Илк бор 87,7 минг нафар давлат хизматчисининг ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилди. Давлат хизматига қабул қилиш очiq танлов асосида, номзодларнинг билим ва кўникмаларини инсон омилсиз баҳолаш орқали амалга оширилмоқда.

Тақдимотда сунъий интеллект ёрдамида тармоқлар ва ҳудудларнинг драйвер соҳалари таҳлил қилиниб, 50 дан ортиқ замонавий касб бўйича бошқарув кадрларига эҳтиёж мавжудлиги аниқлангани қайд этилди. Айниқса, энергетика ва “яшил” технологиялар, қуриш ва урбанизация, қишлоқ ва сув хўжалиги, рақамлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида малакали мутахассисларга талаб юқори.

Давлатимиз раҳбари тайёр кадрлар базаси бўлмаса, бошқарув тизимида узлишлар юз бериши, иш самарадорлиги ва қарорлар сифати пасайишини таъкидлади.

Кадрларни баҳолашда эскича “объективка” усулидан воз кечиб, номзоднинг билими, касбий тажрибаси, психологик хусусиятлари, стратегик фикрлаши ва лидерлик қобилиятини қамраб оладиган портфолио тизимига ўтти зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Янги тартибга кўра, истиқболли бошқарувчилар рақамли технологиялар асосида 100 баллик мезон бўйича баҳоланади. Катта маълумотлар ва бизнес-таҳлил воситалари орқали юқори салоҳиятли кадрлар аниқланиб, улар учун сунъий интеллект ёрдамида индивидуал касбий ривожланиш режалари ишлаб чиқилади. Мазкур тизимни дастлаб қишлоқ хўжалиги, олий таълим ва қуриш соҳаларида синовдан ўтказиш тақлиф этилди.

Ҳар икки йилда 500 нафар истиқболли бошқарувчини саралаб олиш, шу тариқа 2030 йилга қадар 1,5 минг нафар юқори салоҳиятли мутахассисдан иборат янги авлод раҳбар кадрлар захирасини яратиш режалаштирилган.


Тақдимотда раҳбарлик лавозимлари учун захирани шаффоф шакллантиришга қаратилган “ТОП-100” очiq танловини ўтказиш механизми ҳам баён қилинди. Танлов аграр соҳа, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ, таълим, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект йўналишларини қамраб олади.

Номзодлар тест, комплекс касбий баҳолаш ва сўхбат босқичларидан ўтади. Ҳолиблар махсус ўқув курсларида тайёрланиб, миллий кадрлар захирасига киритилади, уларнинг касбий ўсиши ва раҳбарлик лавозимларига тайинланиши бўйича манзилли чоралар кўрилади.

Миллий кадрлар захирасини шакллантиришда хориждаги ватандошлар, шунингдек, дунёнинг энг нуфузли 100 та университетини татомилган ва уларда таҳсил олаётган ёшлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Бу борада 2026 йил 1 октябрдан career.edu.uz платформасида “Хориждаги талабалар” модулини ишга тушириш режалаштирилган.

ЎЗА



ёхуд ПАХТАНИ фақат ЎСТИРИШ эмас, вақтида ПИШИРИШ ҳам КЕРАК

Бугун Ўзбекистон пахтачилиги янги босқичга кирмоқда. Қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда ҳам бозор тамойиллари, фермер ва кластерларни қўллаб-қувватлаш, янги навлар, юқори ҳосили технологиялар, уруғчиликни яхшилаш, сув тежаш, имтиёзли кредитлар, субсидия, техника ва илм-фанга асосланган бошқарув тизимлари изчил жорий этилмоқда.



Бу ислохотлардан мақсад камроқ ердан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот олиш, фермер даромадини ошириш, тўқимачилик саноатини барқарор пахта хомашёси билан таъминлаш ва иқтисодиётда пахтачиликнинг ҳақиқий самарасини кўрсатишдир.

Сўнгги олтимси йил ичида дунё бўйлаб пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошди. Бугунги кунда етакчи мамлакатлар ниҳоятда юқори натижаларга эришмоқда: Хитой гектаридан тахминан ўртача 90 центнергача пахта хомашёсини етиштириш билан дунёда биринчи ўринга чиқиб олган бўлса, бу борада Австралия 55 центнер, Туркия эса тахминан 50 центнер ўртача кўрсаткичга эга. Бразилияда ҳосилдорлик ўртача 40-45 центнерни ташкил этмоқда. АҚШ, Покистон ва Ҳиндистон эса шароитга қараб 15-25 центнергача пахта хомашёсини олмақда. Дунё бўйича ўртача кўрсаткич 30-35 центнер орасида кузатишмоқда.

Шу фонда Ўзбекистоннинг пахтачилик тарихи алоҳида эътиборга молик. Узоқ йиллар давомида мамлакатимизда пахта хомашёси ҳосилдорлиги гектарига ўртача 25-30 центнер атрофида қолиб келди — баъзи йилларда эса бу рақамнинг ўзига ҳам етиб бўлмади. Асрлар давомида пахта экиб келинган, Фарғона ва Зарафшон водийси серунум сугориладиган ерларга эга. Дунёдаги энг катта пахта майдонларидан бирига эга мамлакат учун бундай орқанда қолиш ўта ажабланарли ҳолат эди. Утган йили эса далавлардан 70-90 центнергача пахта хомашёси кўтарилиб, юртимизда ўртача ҳосилдорлик 45 центнерга етди. Бу салмоқли қадам бўлди.

▶ Давоми 3-бетда



ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

Иккинчи мавсум учун таклифлар киритиш бошланди

Одамларни бирлаштирадиган, ягона мақсад йўлида жипслаштирадиган лойиҳаларнинг кўп бўлгани яхши. Кейинги йилларда умуммиллий ҳаракатга айланган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси шулардан бири. Йилда икки маротаба ўтказилаётган лойиҳани юртдошларимиз ҳар гал катта қизиқиш ва тайёргарлик билан кутади. Чунки ғолиб бўла олмаган ташаббуслар учун кейинги мавсум яна бир имконият дегани.

Кеча, 15 июль куни “Ташаббусли бюджет”нинг 2026 йилдаги 2-мавсуми бошланди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотларига кўра, бу “Ташаббусли бюджет” жорий этилганидан буён ўтказилаётган ўн биринчи мавсумдир. Одатдагидек, жараён бир неча

босқичда давом этиб, якунда ғолиб лойиҳалар танлаб олинади ва давлат бюджетидан молиялаштирилади.

▶ Давоми 4-бетда

ПЕНСИЯ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ

Ижтимоий адолат, молиявий барқарорлик ва авлодлар фаровонлигининг стратегик йўналишлари

Муносабат



Бугунги кунда дунё аҳолиси таркибидаги демографик ўзгаришлар ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири — пенсия тизими олдиға янги вазифаларни қўймоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирда ҳар бир сонияда дунёда ўртача икки нафар инсон 60 ёшга тўлар экан. Қолаверса, соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши, тиббиёт соҳасидаги илмий ютуқлар, санитария ва профилактика чораларининг такомиллашиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши натижасида инсон умри узайиб, кекса авлод вакиллари улуши кўпайиб борапти.

Узоқ умр кўриш — инсоният тараққиётининг энг катта ютуқларидан бири. Бироқ мазкур ижобий жараён пенсия тизимларининг барқарорлиги билан боғлиқ янги масалаларни ҳам кун тартибига олиб чиқмоқда.

Замонавий шароитларда жаҳон амалиётида пенсия таъминотининг асосий уч модели шаклланиган. Биринчи модель — ижтимоий ёрдам тизими. У аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликка қарши курашиш механизми сифатида намоён бўлади.

▶ Давоми 2-бетда

Интилганга толе ёр

ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА КИТОБ ТУФАЙЛИ БУГУНИМИЗ НУРЛИ, ЭРТАМИЗ МУНАВВАР



Ҳақиқи равишда айтиш лозимки, бугун мамлакатимизда бўлгани каби Сирдарё вилояти ҳам тараққиёт босқичларидан дадиллик билан ўтиб борапти. Баъзилар “Сирдарё ўзи 1963 йилда ташкил топган вилоят бўлса, қоқоқлиги турган гап-да”, дейдиган замонлар ортда қолди. Бугун ҳеч ким бундай дея олмайди.

Бугун Президентимиз “Сирдарё деганда, сирдарёлик деганда азим Сайхун дарёси соҳилларидаги сўлим бир воҳа, қадимий Мирзачўл бағрида боғу бўстонлар, шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиб келаётган мард ва матонатли инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади”, дея биз сирдарёликларнинг кўксимизни тоғ қадар кўтариб қўйган.

▶ Давоми 6-бетда



Бошланиши 1-бегда

Дастлабки босқич лойиҳа киритиш жараёни бўлиб, юртдошларимиз 3 августга қадар лойиҳаларини "Openbudget.uz" портали орқали илгари суриши мумкин. Порталга киритилган лойиҳалар 4-18 август кунлари давомида сараланади. 19-21 август кунлари тарғибот, 22-31 августда эса овоз бериш босқичи бўлиб ўтади. Шундан сўнг барча овозлар тўпланиб, якуний натижалар бўйича ғолиб лойиҳалар шу йилнинг 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги байрами кuni эълон қилинади.

Лойиҳанинг қўшимча ғолиблари рўйхати эса 1-10 сентябрь кунлари аниқланади.

Барчада имконият бор

Демак, кейинги бир ярим ой давомида кўплаб юртдошларимиз "Ташаббусли бюджет"нинг фаол иштирокчисига айланади. Лойиҳа старт олиши билан кўпчилик аллақачон ўзлари илгари сураётган ижтимоий муаммо бўйича "Очиқ бюджет" портали орқали таклифларини қолдиришни бошлаб юборди. Улар орасида аввалги мавсумларда ғолиб бўлмаган лойиҳалар ҳам, янги ташаббуслар ҳам бўлади. Асосийси, барча иштирокчиларда ғолиб бўлиш имконияти мавжуд.

Юртдошларимиз лойиҳадаги очиклик ва шаффофликка ишонгани учун ҳам иштирокчилар сони ҳар мавсумда ортиб бораётти. Унда фуқаролар томонидан муайян таклиф илгари сурилар экан, жамоатчиликка очиқ тақдим этилади. Лойиҳага омма томонидан овоз берилади. Ғолиб лойиҳаларни эса давлат молиялаштиради. Яъни одамлар ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни лойиҳа тарзида лойиҳа суриб, ўз овозлари орқали уларнинг ечимига биргаликда эришяпти. Қолаверса, аҳоли шу тарзда давлат бюджетни сарфланишида бевосита иштирок этишмоқда.

Лойиҳа одамларни нафақат бир мақсад атрофида бириштирапти, балки ижтимоий дахлдорлик, масъулият ҳиссини ҳам оширмоқда. Бугун элимиз маҳалласидаги йўл



“

“Ташаббусли бюджет” доирасида кетма-кет икки мавсумда ғолиб бўлган маҳаллалар учун навбатдаги икки мавсумда лойиҳа киритишни чеклаш амалиёти қўлланилмоқда. Шунга кўра, 2026 йил 2-мавсумда лойиҳа киритиш имконияти чекланадиган маҳаллалар рўйхати шакллантирилиб, тегишли платформага уларнинг рўйхати жойлаштирилади.

ёмонлиги, мактаб таъмирталаблиги, истироҳат боғи йўқлигига бефарқ эмас. Аксинча, энг кичик муаммога ҳам эътибор қаратиб, “Ташаббусли бюджет”га киритяпти. Чунки етарлича овоз тўпланса, исталган лойиҳа ғолиб бўлиши мумкин. Баъзан эса кам овоз билан натижага эришса бўлади. Масалан, ўтган галги мавсумда энг кам — 58 та овоз билан Мўйноқ туманидан киритилган, кўча чироқ-

ларини ўрнатиш бўйича ташаббус ғолиблар қаторидан жой олганди.

Асосийси, ҳар бир ғолиб лойиҳа қисқа вақтларда молиялаштирилиб, ҳаётга фаол татбиқ этилмоқда. Шу кунгача хайрли лойиҳа ортидан ҳудудлардаги минглаб ижтимоий масалалар ўз ечимини топиб, қанчадан қанча йўллар асфальтланди, ижтимоий соҳа объектлари қайта таъмирланди, жойларга ичимлик



сув, электр токи етиб борди. Айни пайтда бу борадаги ишлар ҳудудлар бўйлаб фаол давом этмоқда.

Аввалги мавсумда ғолиб бўлган Жиззах вилояти Миришкор туманидаги 10-умумтаълим мактаби ҳудудда сунъий қопламали замонавий футбол майдони фойдаланишга топширилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 1,3 миллиард сўм ажратилган. Белгиланган муддатда ўлчами 25х42 метр бўлган янги футбол майдони барпо этилди. Энди унда нафақат мактаб ўқувчилари, балки туман ёшлари бўш вақтини мазмунли ўтказиб, семвили спорт турлари билан шуғулланиши мумкин.

Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида эса замонавий Ёшлар маркази очилди. Янги марказ бўнёд этилиши учун ҳудуд аҳли “Ташаббусли бюджет”нинг ўтган галги мавсумида фаоллик кўрсатиб, лойиҳанинг ғолиб бўлиши ва тегишли маблағ ажратилишига эришганди. Орадан қисқа вақт ўтиб эса биргаликда марказнинг тантанали очилишини нишонлашди.

Марказда замонавий кутубхона, АТ савдоҳонлик ва рақамли технологиялар бўйича ўқув хоналари, маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ҳамда тури лойиҳаларини ўтказиш учун қўлай шaroитлар яратилган. Бу ерда ёшлар билим олиш билан бирга, бўш вақтини мазмунли ўтказиши мумкин. Энди Оҳангарон шаҳрида ҳам ҳудуд ёшларини бирлаштирадиган замонавий маскан бор.

“Ташаббусли бюджет”нинг бошқа ғолиб лойиҳаларида ҳам ишлар қизгин кетяпти. Масалан, Андижон вилояти Пахтабод тумани Тинчлик маҳалласи ички кўчаларида айни пайтда 4 километр асфальт қопламаси ётқизилмоқда. Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ихтисослаштирилган мактабда эса мукаммал таъмирлаш ишлари авжида. Лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 миллиард сўм ажратилган. Бунинг ҳисобидан муассасанинг ички ва ташқи деворларини таъмирлаш, синфхоналари эшиклари, том шифери қопламасини янгилаш, спорт ташкилотини иситиш батареялари сонини кўпайтириш, шунингдек, йўлакларни таъмирлаш ишлари бажариляпти.

Жараёнлар доимий назоратда. Чунки “Ташаббусли бюджет”да лойиҳалар шунчаки ғолиб топилиб, маблағлар мақсадсиз берилмайди. Ҳар бир лойиҳа ўз вақтида рўёбга чиқиши, маблағ тўғри сарфланиши тегишли давлат идоралари, қолаверса, лойиҳа ташаббускорлари томонидан назорат қилиб борилади.

Депутатлар бир ёки бир неча лойиҳани танлаши мумкин

“Ташаббусли бюджет”нинг тартиб ва меъёрлари, қоидалари бор. Ўтган галги мавсумда эса улар қаторига бир неча янгиси қўшилди. Масалан, таклиф киритиш босқичида лойиҳа тури ва белгиланган қиймат чегараларини инобатга олиш мумкин. Тартибга кўра, қурилиш ва таъмирлаш лойиҳалари 1 миллиард 648 миллион сўмгача, жиҳозлаш лойиҳалари эса 824 миллион сўмгача қийматдан ошмаслиги керак.

Ўтган мавсумдан бошланган янгиликлардан яна бири лойиҳаларни шериклик асосида биргаликда молиялаштириш имконияти ва бундай лойиҳаларнинг овоз тўпламасдан туриб ғолиб бўлиши билан боғлиқ. Ташаббускорлар 2-мавсум доирасида шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни ҳам 3 августга қадар тақдим этиши мумкин.

— Бунда аҳоли томонидан лойиҳа қийматининг 50 фоиз қисми молиялаштирилган тақдирда лойиҳалар автоматик равишда ғолиб деб топилади ва қолган қисми давлат томонидан молиялаштирилади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азимжон Ҳасанов. — Тартибга кўра, ҳар бир маҳаллага бир мавсумда фақат битта лойиҳани шериклик асосида амалга оширишга рухсат берилади. Лойиҳа қийматининг 50 фоизига тенг маблағни тўплай олмаган шериклик лойиҳалари четлаштирилмайди, улар анъанавий овоз бериш босқичига ўтказилади. Аммо шериклик лойиҳалари фақат жамоавий фойдаланишга мўлжалланган инфратузилма объектларига тааллуқли бўлиши керак. Бюджет платформаларига оид лойиҳаларни шериклик асосида молиялаштиришга эса рухсат берилмайди. Лойиҳаларни бу тарзда киритиш мутлақо ихтиёрий бўлиб, улар учун овоз тўплаш талаб этилмаслиги билан бошқа ташаббуслардан ажралиб туради.

Жараёнлар шаффофлигини таъминлаш, бир маҳалла ёки ҳудуд ҳар гал ғолиб бўлишининг олдини олиш мақсадида эса яна бир механизм жорий этилган. Яъни “Ташаббусли бюджет” доирасида кетма-кет икки мавсумда ғолиб бўлган маҳаллалар учун навбатдаги икки мавсумда лойиҳа киритишни чеклаш амалиёти қўлланилмоқда. Шунга кўра, 2026 йил 2-мавсумда лойиҳа киритиш имконияти чекланадиган маҳаллалар рўйхати шакллантирилиб, тегишли платформага уларнинг рўйхати жойлаштирилади. Бироқ танлашга тушган маҳаллалар ҳам шериклик асосида лойиҳаларни илгари суриш имкониятига эга.

Лойиҳа доирасида юқори овоз тўлаган, бироқ ғолиб бўлмаган таклифларни депутатлар ташаббуси асосида қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш ҳам мумкин. Аввалги мавсумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига тегишли округдаги ғолиб бўла олмаган 1 тадан лойиҳани қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш имконияти берилганди. Бу гал эса ушбу амалиёт янада такомиллаштирилади.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 июндаги тегишли қарори билан “Ташаббусли бюджет”нинг 2026 йил 2-мавсумидан бошлаб депутатларга ажратилган маблағ доирасида бир ёки бир неча лойиҳани танлаш имконияти берилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, ушбу жараёнда ваколати муддатидан олдин тугатилган депутатлар ўрнига вақтинчалик депутатларни бириктириш амалиёти ҳам йўлга қўйилди.

Буларнинг бари “Ташаббусли бюджет” доирасида ажратилган маблағлардан янада самарали фойдаланиш, маҳаллий муаммоларни ҳал этишга қаратилган лойиҳалар қамровини кенгайтириш ҳамда ғолиб лойиҳалар сонини оширишга хизмат қилади. Зеро, ушбу харажатлар орқали умуммиллий лойиҳани халққа янада яқинлаштириш, кенгроқ оммалашиши, ижтимоий муаммолар ечимига фуқароларнинг ташаббуси ва иштирокчини ошириш каби хайрли мақсадлар қўзланган.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



2026 йил — Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили

Маҳалла — ўзига хос ноёб институт. Ушбу тузилма яқин-яқингача ўзини ўзи бошқариши нуқтаи назаридан демократиянинг юксак модели сифатида эътироф этилди. Янги Ўзбекистон шароитида маҳалланинг моҳияти, жамият ҳаётида тутган ўрни тубдан ўзгарди. У энди фақат ўзини ўзи бошқарувчи орган эмас, мамлакатимизда кечаётган шиддатли ислохотлар натижадорлигини таъминловчи тизимга айланди. Зеро, айнан маҳаллада давлат сиёсати инсонларнинг кундалик ҳаёти билан уйғунлашиб, кўплаб ижтимоий масалалар идораларда эмас, балки жойларда, оилалар даврасида ҳал этилади.



Шу боис, фуқаролар йиғинлари фаолиятини ривожлантириш ва имкониятини кенгайтириш масаласи доимо Президентимиз эътиборида. Чунки маҳалла тизими самарадорлиги давлат қарорларининг ҳар бир инсонга қанчалик тез, манзилли ва натижадор етиб боришини таъминлайди.

Сўнгги йилларда маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда таъсирини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йил бошида инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси, бизнес фаоллик ва молиявий имкониятлари чекланган 37 та “оғир” туман ҳамда 915 та “оғир” маҳалла билан ишлаш бўйича янги тизим яратилган эди. Бунинг учун республика бюджетидан “оғир” туман ва маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш учун 12 триллион сўм йўналтирилди. Бу эса мамлакатнинг энг ривожланган ва нисбатан ортда қолаётган ҳудудлари ўртасидаги тафовутни қисқартиришга қаратилган самарали механизми шакллантирмоқда. Мухими, мазкур механизм ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос эҳтиёжи ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, ресурсларни тўлиқ сафарбар этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Президентимиз ҳузурида маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш юзасидан ўтказилган тақдиримизда ҳам тизим фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим таклифлар илгари сурилди.

Бугун маҳалла бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоат ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ёшлар тарбияси каби муҳим масалалар туташадиган ягона масканга айлانган. Шу боис, маҳалла тизимини янада ривожлантириш фақат маъмурий қарорлар билан чекланиб қолмай, пухта илмий ёндашув, замонавий методика ва чуқур таҳлилий асосларни ҳам талаб этади.

Шундай экан, маҳалла фаолиятини илмий асосда ташкил этиш бутуннинг талаби. Ўрганишларга кўра, шу вақтгача мамлакатимизда тадқиқ этилган 20 мингта яқин илмий

ишнинг атиги 10 тасида маҳаллага алоқадор айрим масалалар ўрганилган. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарига Маҳаллани



ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Янги институт маҳалла тизимидаги ислохотларни илмий таҳлил қилиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Ушбу тизим орқали ҳар йили 21 минг нафар маҳалла тизими ва “еттилик” аъзосининг малакаси оширилади.

Ихтисослаштирилган институт ташкил этилаётганининг ўзиёқ давлат маҳаллани нафақат ижтимоий тузилма, балки мамлакат тараққиётининг стратегик ресурси сифатида кўраётганини намён этади.

Институт маҳалла тизими фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш, самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва ислохотларнинг натижадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Кейинги йилларда маҳалла тизимида туб ислохотлар бошланди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қадирмун Куронбоев. — Жорий йил мамлакатимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани

муносабати билан аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллалар инфратузилмаси ва ижтимоий муҳитини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил якунига қадар бир миллион кишини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3500 тага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизгача тушириш мақсад қилинган.

Албатта, бундай рақамлар ортида ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган мутлақо янгича ёндашув мужассам. Агар илгари бандлик ва аҳоли фаровонлиги кўрсаткичлари асосан туман, вилоятлар кесимида баҳоланган бўлса, энди эътибор инсонга энг яқин институт — маҳаллага қаратилмоқда.

Аслида, бу ўртача ижтимоий сиёсатдан манзилли бошқарув моделига ўттишни англатади. Бундай ислохотлар самараси умумий статистик кўрсаткичлар асосида эмас, балки ҳар бир оила ҳаётида юз бераётган аниқ ва ижобий ўзгаришлар орқали баҳоланади. Тақдиримизда маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш учун Маҳаллалар фаолиятини

рағбатлантириш жамғармасига яна 200 миллиард сўм ажратилгани маълум қилинди. Шунингдек, маҳаллалар учун 300 миллиард сўмдан зиёд қўшимча доимий даромад манбалари яратилмоқда.

Ушбу маблағ, биринчи навбатда, ички йўللارни таъмирлаш, пиёдалар йўлакчаларини ётқириш, болалар ва спорт майдонларини қуриш, маҳалла боғларини барпо этиш, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга оширишга йўналтирилади. Шу билан бирга, жиноят йўлига адашиб кириб қолган 245 фуқарони касб-хунарга ўқитиш, ижтимоий ҳаётга қайтариш бўйича алоҳида ишлар бажарилади.

Маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш масаласи ҳам муҳим. “Маҳалла еттилиги” томонидан уйма-уй ўрганишлар давомида 1 миллион 365 минг кишининг муаммоси аниқланган.

Уларни тезкор ҳал қилиш учун 35 та вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари “Рақамли маҳалла” платформасига уланеди. Платформа орқали маҳалладаги долзарб масалаларни аниқлаш, муурожаатларни тизимли таҳлил қилиш ва тегишли ечимларни тезкор белгилаш имкони яратилди.

Шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ҳар бир маҳалладаги энг долзарб муаммоларни олдиндан аниқлаб, бартараф этиш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Маҳалла фаолиятини рақамлаштиришнинг аҳамияти янги технологияларни жорий этиш билан чекланиб қолмайди. Турли идора, ташкилотлар маълумотларини бириктирган ҳолда фуқароларнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга хизмат қиладиган ягона ахборот макони шакллантирилмоқда.

Мазкур жараёнда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш давлат бошқарувининг самарадорлигини янада оширишда қўл келади. Келгусида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳисобига ҳар бир маҳалладаги энг долзарб муаммоларни олдиндан аниқлаб, бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш имконини берувчи янги тизим ишга туширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, банклар билан биргаликда аҳолининг бизнес ташаббуслари ва инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилади. Бу маҳаллалар имкониятларини иш ўрни ва даромад манбасига айлантиришга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Президентимиз фармонида биноан юртимиз ёшлари ўртасида ўзининг тиришқоқлиги, билим ва малакаси, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик фа-зилатлари билан ўрнат бўлиб, мамлакатимизда металлургия соҳасини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, sanoatda хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, шунинг-дек, китобхонлик умуммиллий ҳаракатида фаол иштирок этаётгани, адабиёт соҳасидаги ижод намуналари билан жамиятимизнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, эзгулик ва инсонийликни тарғиб қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани учун “Ўзбекистон металлургия комбинати” ак-циядорлик жамиятининг қуёв-прокатлаш мажмуаси мутахассиси Дилноза Примқулова Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ушбу шеър Дилноза Примқуловага бағишланади.



Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Металл комбинатидан
Бахтли йўл топиб олдим.
Маъданларнинг ичидан
Олтин гул топиб олдим.

Гулга ота-онаси
Темирдан йўл тилаган.
Ҳазрат Довуд пайгамбар
Пешонасин силаган.

Шу йўл асил йўл экан,
Босган изи гул экан.
Темирларни эритган
Гулдек нозик қўл экан.

Билдик гулнинг зотини,
Дилноза дер отини.
Президент тоширди
Давлат мукофотини.

Давлатимиз иқтисодини
Кўтарди оғир sanoat.
Бекободда Металлургия
Комбинатда ажиб синаот.

Бир нозик гул чўян қозонда
Эритилган темир қуяди.
Во ажабо, зил-замбил темир
Қандоқ қилиб гулни севади?!



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98



ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА КИТОБ ТУФАЙЛИ БУГУНИМИЗ НУРЛИ, ЭРТАМИЗ МУНАВВАР



Интилганга толе ёр

Бошланиши 1-бетда

Хар сафар давлатимиз раҳбари Сирдарё-мизга улкан-улкан режалар, бунёдкорлик го-ялари билан келади. Мен ҳам фаол ёшлар қато-ри учрашувларда бир неча бор иштирок этиш бахтига муяссар бўлганман. Президентимиз ўз нутқларининг бирида “Мен Сирдарёни ўзгача яхши кўраман”, деган эди. Уша онда беҳиёр қалбимиздан “Жаноб Президент, биз сирдарё-ликлар ҳам Сизни яхши кўрагимиз”, деган му-наввар ўй ўтганди. Чин маънода бугун вилоят-имиз ўзгача туста кирмоқда.

Ўдимдан чиқмайди, қўшимча машғулотлар учун туманимиздан шаҳарга борардим ва ал-батта, “Дўстлик” канали ёнидан, ҳозирги “Юрт байроғи” хиебонидан ўтардим. Икки жойнинг ҳам атрофлари бегона ўтлар ўсиб, дилни хира қиладиган даражада эди. Бугун “Дўстлик” кана-ли бўйида “Хунармандлар маркази”, Технопарк қад ростлаган. Вилоятнинг отахон олийгоҳи — Гулистон давлат университети манзарани бой-ти кўр тўкиб турибди. Канал бўйи замонавий кўриниш олиб, оқшомлари ёшлар, меҳмонлар билан гавжум. Барча ўриндиқлар банд. Кимдир китоб ўқиш, кимдир ҳамроҳи ила дилкаш суҳ-бат қуриш билан овора. “Юрт байроғи” хиебо-ни ҳам муҳташам кўринишга эга бўлиб, жорий йилги Наврўз шодиёналари айнан мана шу май-дондан бошланган эди.

Энди бир гапни айтмай, олдин Сирдарёга бошқа вилоятдан меҳмон келса, қаёққа олиб боришга ўйланардик. Сабаби, танлов учун имоният йўқ эди. Бугун эса хиебонларимиз, марказларимиз, кутубхоналаримиз, болгар-имиз бисёр. Бу эса кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Сирдарёдаги барча соҳада олиб борилаёт-ган ислохотлар ҳақида қўп ва хўп гапириш мумкин. Аммо мен айнан бир йўналиш, яъни китобхонлик мавзусида дилимдагилар-ни ёзишга қарор қилдим. Сирдарё-лик китобхон ёшлардан бири сифатида мени бу соҳага бўлган эътибор ҳаммаша ғурурлантиради. Давлатимиз раҳбари китобни, китобхонларни жуда яхши кўради. Бунинг исботини дунёда қиё-си бўлмаган — “Ёш китобхон” танло-ви мисолида ҳам кўришимиз, у орқа-ли миллионлаб ўзбек ёшлари китобга ошно бўлаётганидан фахрланишимиз мумкин. 2022 йилда мен ҳам айнан шу танловда голиб бўлиб, Президент совга-си билан тақдирланган эдим.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. “Спарк” билан тақдирланиб уйга қайтганимдан кейин дадам янги машинада Фарғонага — қари-дошларини йўқлаб келиш учун олиб борганди. Водийдан қайтишда йўлда адашиб қолдик. Набиралари билан бирга йўл четида ўтирган нуруний қаршисида тўхтаб, йўл сўрадик. Бобо жавоб берар-бермас машина олди томонидидаги “Президент совгаси” деган ёзувга қаради.

— Боксчимизлар?
— Йўқ... дедим мен.
— Футболчимизлар?
— Йўқ.
— ?
— Китобхонман!
Отахон “Э-ҳа, ўқиганга ҳам машина бери-ладиган замонасига балли”, деб биз билан бир оз суҳбат қурди. Ушанда нуруний бобо шун-дай иборатли гап айтдики, ўша сўзлар ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради.

— Э болам, бугун сизлар ўқиб машина ютаётган китобларингни ёзганлар бир пай-лар қон ютган. Мен бола эдим, бир гал онам уйимиздаги барча китобларни тандирга ташла-ди, ёқиб юборадимми десам, устидан қўл тўкиб яширди. У пайтда ақлим етмаган эди. Кейин-чалик билсам, бу боболаримиз ёзган китоблар экан. Уша пайтда ҳур фикрлик йўқ, нафақат бундай китоблар ёзиш, балки ўқиш ҳам жи-ноят эди. Зиёлилар шунинг учун китобларни яширишга мажбур бўлган. Бугун сизлар китоб ўқиганларинг учун мукофотлар оляписи. Яна кимдан? Шахсан Президентнинг ўзларидан-а... Бундай замоннинг ҳам, имконнинг ҳам, имкон берган улугларнинг ҳам қадрига етиш керак, болам.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда китобхон-ликка эътибор миллий ҳаракат даражасида юксалди. 2026 йил май ойининг 22-санаси. Давлатимиз раҳбари томонидан шу кун Мил-лий китобхонлик ҳаракатидаги старт берилди. Бу хабарни ижтимоий тармоқлар орқали эшитиб, қалбим ифтихорга тўлди.

Президентимиз ташаббуси билан китоб-хонлик бўйича амалга оширилаётган исло-хотлар бугун Сирдарёнинг ҳар бир бурчагига кириб бормоқда. Биргина мисол айтмоқчиман. Гулистон давлат университетидаги киришнинг чап томонида ўтган асрнинг 70 йилларида спорт мажмуаси сифатида пойдевори қўйил-ган, аммо охирига етказилмаган ташландик иншоот орадан қариб ярим аср ўтиб, ўтган ўқув йилида замонавий ва муҳташам Ахборот ресур-с маркази сифатида фойдаланишга топ-ширилди. Янги кутубхона бир вақтнинг ўзи-да 700 нафар китобхонга хизмат қила олади. Бугун университетимиз талабалари бўш вақт топди дегунча ушбу кутубхонага ошмади. Бу ерда ёшлар билан турли лоийҳалар, ижодкор-лар билан суҳбатлар ташкил қилинади.

Масалан, “Мутлола майдони” деган ло-ийҳа бошланганми. Лоийҳа мазмунини шундан иборатки, ҳар ҳафтада бир йўғлиб, бадий асар муҳокама қиламиз. Муҳокама якунида биргаликда келгуси муҳокамаимиз учун бир асарни танлаймиз. Бу эса ёшлардаги мутло-лага муҳаббатини ривожлантиради.

Бир кун университет ректори Мухсин Ҳо-жиев мени қақриб, “Ёркинжон, биласан бу кутубхона ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Бунинг

турибди. Музейга эса шоирнинг қизи Юлдуз Бегалиева раҳбарлик қилмоқда.

У ердаги экспонатлар хилма-хиллиги ва тобора бойиб бораётгани шоир шеърятидан илм қилувчиларнинг сафини ҳам кенгайтир-моқда. Профессор Равшанбек Махмудовнинг таъкидлашича, Тўра Сулаймон ҳаётилик чоғи-да “олимларимиз шоирларни бўлиб олгандай, биз чўлиқларнинг ижодини тадқиқ қиладиган мард ҳам топиладими?”, деб армон билан айт-ган экан.

Шоирнинг армонлари бир оз куттирган бўлса-да амалга ошди. Тўра Сулаймон уй-му-зейнинг ташкил этилиши, бу ташаббуснинг эгаси шахсан давлат раҳбари экани, музейда шоирнинг ҳайкали қад қериб тургани, Тўра Сулаймоншунослик адабиёт борасида ҳам, тил-шунослик борасида ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани, бир эмас бир неча тадқиқотчилар-нинг шоир ижодиёти бўйича PhD диссертация-ларини ҳимоя қилгани. Эҳҳа... буларнинг бари-ни Тўра бобо кўрганларидами, жуда хурсанд бўлар ва албатта, худди “Гул бир ён, чаман бир ён”дек овоза бўладиган асар яратар эди.

Мен ҳам илмий ишимни “Тўра Сулаймон шеърятини поэтикаси” мавзусида танладим. Магистратура даврида икки йил мобайни-да устозлар билан бирга изланишлар олиб бордик. Бу борада, айниқса, Тўра Сулай-мон уй-музейи бизга жуда қўл келди. Дис-сертациямизнинг “Тўра Сулаймон ижодий лабораторияси” бобини тайёрлашда тўлиқ музей материалларига, музей директори — Юлдуз Бегалиеванинг маълумотларига суяндик. Яқинда ҳимоямиз ўтди. Таниқли адабиётшунос олимлар, мунаққидлар қари-шича мавзу доирасидаги изланишларим нати-жаларини ҳимоя қилдим.

Эндиллиқдаги илмий изланишларимни ҳам Сирдарё адабий муҳитига, хусусан, Тўра Су-лаймон шеърятига бағишламоқчиман. Ана шундагина китобхон сифатида юрт менга бер-ган имкониятларга жавоб қайтариш йўлида муносиб қадамни ташлаган бўлам.

Ёшлар ишлари агентлиги директори, се-натор, Китобхонлиқни ривожлантириш жа-ғармаси Вазирлиги кенгаши раиси Алишер Саъдуллаев яқинда Сирдарёда, айнан, биз-нинг университетимизда, янги кутубхонами-зда бўлди ва китобхон ёшлар билан мулоқот қилди. Учрашувда уларнинг тавсиясига кўра, Сирдарё вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси бошлигининг Китобхонлиқни ривожлантириш бўйича махаллалардаги лавозимига тайинлан-дими. Албатта, бу мен учун катта масъулият. Аввал ўзим Сирдарёда китобхонлик танловла-рида пешқадамлик қилган бўлсам, эндиллиқда бошқаларнинг пешқадам бўлиши учун ҳаракат қилишим керак.

Ҳозир янги ташаббусларга киришдик. Ви-лоятдаги барча маҳаллаларда фаолият олиб бораётган Ёшлар етакчилари ўртасида “Сир-дарёлик китобхон ёшлар етакчиси” танлови ўт-казилди. Махалла ёшларининг дарду ташвиши билан яшайдиган ёшлар етакчилари ўртасидаги танлов жуда қизғин кечди. Очик гап, маҳаллада китобхонлиқни тарғиб қилувчи катта куч ҳам аслида ана шу етакчилар. Энди тасаввур қилай-лик, тарғибот қилувчи ёшлар етакчисининг ўзи

китоб ўқимаган бўлса, натижа бўладими? Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни биринчи галда махалла ёшлар етакчиларига қаратдик ва биргина танлов орқали уларга ли-дерлик қобилиятларини ривожлантирувчи йи-гирмага яқин китобларни ўқита олдик.

Танлов натижаларига кўра Ховос тумани Истиклол маҳалласи ёшлар етакчиси Қўрбон-бой Мирсидиқов биринчи ўринни, Оқолтин тумани Янги давр маҳалласидан Моҳира Абду-мажидова иккинчи, Мирзабод тумани Мир-заҷул маҳалла ёшлари сардори Қаҳрамон Ма-масолиев учинчи ўринни эгаллади. Голибларга вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси томонидан таъсис этилган “Сирдарёлик китобхон ёшлар етакчиси” кўкрак нишони тақдим этилди.

Айни кунларда сирдарёлик ижодкор ёшлар-нинг баёзларини тайёрлаш устида иш олиб бо-ряймиз. Шунингдек, “Энг яхши китобхон”, “Энг яхши тарқиз”, “Энг яхши китобхон ходим” тан-ловларини ўтказишни ҳам режа қилганмиз. Та-шаббусларимиздан яна бири — “Мутлола мар-раси” лоийҳаси. Унинг доирасида ўқув жараёни пайти вилоят Ёшлар марказида ҳафтаининг ҳар чоршанба кунини йўғлиб, “Мутлола” иловасидан бир ҳикояни оммавий равишда тинглаймиз ва якунда ана шу ҳикоя асосида тузилган тестлар-ни ечимиз. Тест натижаларига кўра голиблар жойида “Мутлола” премия қарточкалари ҳам-да бошқарманинг диплом, эсдалик совгалари билан тақдирланипти.

30 июнь — Ёшлар кунини ҳар қачон ёдимдан чиқмайдиган сана бўлди. Шу кунни Президен-тимиз билан Тошкентдаги Конгресс-холл маж-муасида қилишган эдик. Мен биринчи қаторда ўтирдим. Беш соатдан ошқик давом этган учра-шуш якунида давлатимиз раҳбари биз томонга юриб кела бошлади ва ҳар бир ёш билан кў-ришди. Хаёлимда “Президентга у гапни айта-ман, бу гапни айтаман”, деб турганимда бир воқеа сабаб ҳамма гапларим ёдимдан чиқиб кетди. Давлатимиз раҳбари биз томонга қарор-кан, менга қараб “Сирдарёлар тинчми, Ёркин-жон? Китобхонлар қандай?”, дея қўл узатди. Шу онда Президент мени танир экан-а, менга савол беряпти, китобхонларни сўраяпти, деб ҳайратда қолдим, ҳаяжондан кўзларим порлар-ди. Юрагимда нима бўлса, борини айтдим.

— Хурматли Президент, сирдарёликлар сизни соғинган. Барчаларидан салом олиб келдим. Биз ёшлар учун яратилган ташаббус-ларингиз учун раҳмат. Ўтган сафар учрашга-нимизда ота-онамга салом айтган эдингиз. Бу сафар уларнинг саломини Сизга олиб келдим, — дедим.

Президентимиз кулиб: “Ундай бўлса, яна менинг номимдан салом ва раҳматини етқа-зиб қўй. Сизларга ишонаман, сизлар бор ку-чингиз билан янги Ўзбекистонимиз учун ҳара-кат қилинлар”, деди.

Очиги, ана шу онда Президентимизнинг кўзларини кўйиб юборгим келмади. Ахир шу кўзлар-ку биз ёшларнинг босимизни силаёт-ган. Ахир шу кўзлар-ку бизнинг бугунимиз, келажакимиз учун муҳим қарорларга имзо чекаётган. Дилимда айтар жуда кўп гапларим қолди, уларни эса келгуси учрашувларга асраб қўйдим.

Биз сирдарёликлар бугунги ислохотларни ва айниқса, китобхонлик маданиятга кенг эътибор қаратилётганини яхши тушуна-миз. Унинг қай даражада машаққатли экан-ини ҳам, дунёда суролини сиёсий жараён-лар кечаётган бир пайтда юртимизда илму маърифатга улкан эътибор берилишининг моҳиятидаги покиза ниятларни ҳам англай-миз ва албатта, юртимиз кутгандек, мамла-катимиз етакчиси орзу қилгандек маъри-фатли жамиятнинг, янги Ўзбекистонни, янги Ўзбекистонда эса Учинчи Ренессансни бун-ёд эта оламиз.

Бу йўлда барча ёшларни бирлашишга, ки-тобхонлик борасида янгида янги ташаббуслар устида ишлашга қарайман. Сабаби, илм, маъ-рифат, китоб туйғайли бугунимиз нури, эрта-миз эса янада мунаввар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Т-746.

29609 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов

Мусахҳас: Акбар Қаршиев

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10

ЎЗА якуни — 21:15 Тошпирилди — 23:10